



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI  
NAMANGAN SHAHAR HOKIMINING

**Q A R O R I**

«01» 04 2021 yil

Namangan shahri 158-sonli

**Наманган шаҳридаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида овқатлантиришнинг “Аутсорсинг” тизимини тажриба-синов сифатида давом эттириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги “Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 626-сонли қарори ва вилоят ҳокимининг 2021 йил 7 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021 йил учун “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон қарори ҳамда халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг “2021 йил учун Наманган вилоятининг маҳаллий бюджет тўғрисида” 2020 йил 30 декабрдаги 77/15-06-сон қарори ижроси ҳамда шаҳар мактабгача таълим бўлимининг 2021 йил 25 мартдаги 01-01/127-сонли хатини ўрганиб чиқиб, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини соғлом ва сифатли овқатлантириш, уларнинг соғлигини мустахкамлаш, таълим-тарбия жараёнини янада самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН :**

1. Наманган шаҳар мактабгача таълим бўлими тасаруфидagi 1, 5, 6, 9, 20, 24, 27 35, 43, 66-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларида 2021 йил апрел ойдан бошлаб, “Аутсорсинг” усулида тарбияланувчиларни овқатлантириш тизими Республика танлов комиссияси ўтунга қадар вақтинча тажриба-синов тарикасида ташкил этилсин ҳамда ушбу тизимни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Ишчи комиссияга:**

- тарбияланувчиларни сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни мутахассислар томонидан санитария қоидалари ва гигиена

нормалари асосида тарбияланувчиларнинг ёшларига мувофиқ равишда тузилган 10 кунлик таомнамалар асосида амалга ошириш;

- тарбияланувчиларга бериладиган озик-овқат маҳсулотлари ва таомларнинг хавфсизлиги ва сифатини кафолатланганлигини назоратга олиш;

- тарбияланувчиларни санитария қоидалари ва гигиена нормаларига мос ҳолда ҳар бирини алоҳида овқатланиш идишлари билан таъминлаш;

- тадбиркорлар томонидан тарбияланувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини инобатга олган ҳолда уларнинг рационал овқатлантирилишини таъминлаш;

- тадбиркор томонидан тайёр таомлар хилма хиллиги, сифати, мазаси, идиш товоқларни тозаллиги ва бутлиги, болаларга бериладиган озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги (санитар-гигиеник меъёрларга жавоб беришни)ни таъминлаш бўйича тизимли мониторинг олиб бориш;

- ошхона ва жиҳозларнинг тозаллиги, дезинфекция ишларининг амалга оширилганлиги жараёнлари устидан санитария назоратини йўлга қўйиш;

- тажриба-синов ўтказилиши белгиланган мактабгача таълим ташкилотлари ошхоналаридаги видеокузатув мосламаларини доимий ишчи ҳолатида бўлишини назоратга олиш;

- тадбиркорлар томонидан мактабгача таълим ташкилотларидаги молиявий кўрсаткичлар, санитария-гигиена талаблари, айниқса етказиб берилаётган озик-овқат маҳсулотларининг сифатини кунлик назоратга олиб, ўтказилаётган синовлар натижаси бўйича шаҳар ҳокимига ахборот киритиш вазифаси юклатилсин.

3. Тадбиркорлик субъектлари тайёр таомларни сифати, хавфсизлиги, белгиланган вақтда етказиб берилиши, таомларни вазни ва таркибидаги маҳсулотлар технология қоидаларига мувофиқ ҳолда сарфланганлиги учун шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

4. Ижрачи (Аутсорсер) қорхона томонидан ҳар ўн кунда ташкилотдаги тарбияланувчиларни овқатлантириш бўйича молиявий ҳисоботлар шаҳар мактабгача таълим бўлими марказлашган ҳисобхонасига тақдим этиб борилин.

5. Наманган шаҳар молия бўлими (Ю.Ахмедов), шаҳар мактабгача таълим бўлими (Р.Атамирзаев), тажриба-синов давомида мактабгача таълим ташкилотлари ошхоналарини “ноль” қийматда ижарага беришни белгиланган тартибда амалга оширсин ҳамда коммунал хизматлари учун тўловларни

ташкилот томонидан харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар  
хисобидан қолланишини таъминласин.

6. Наманган шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати (А.Сагтаров),  
“Наманган садоси” газетаси (К.Пайзиев)га мактабгача таълим  
ташкилотларида амалга оширилаётган ишлар мазмун-моҳиятини оммавий  
ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг  
ўринбосари А.Домлажанов ҳамда шаҳар мактабгача таълим бўлими мудир  
Р.Атамйирзаевлар зиммаларига юклатилсин.

**Шаҳар ҳокими**

**Ғ.Джамалов**



**ASLIGATO'G'RI**  
Devonhona xodimi